

ТОНГ ЮЛДУЗИ


Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 31 (65907)
1996 йил, 8 май, чоршанба

Сотувда
эркин нархда

Дунёдаги яхшилар урушга чоҳ қазирлар



ТИНЧЛИК НИМА?

Болажоним шўхлигинг,
Соғломлигинг —
тинчликдир.
Усти буту тўқлигинг,
Полвонлигинг —
тинчликдир.

Бувижонни қаритмай,
Ёшартирар дам —
Тинчлик.
Билсанг, ибн Хаттобдек
Сеҳрли одам — Тинчлик!

Кўлидан яхшиликлар,
Янгиликлар тез келар.
Униб эзгу туйғулар,
Улғаяр хур сезгилар.

Дунёдаги яхшилар
Урушга чоҳ қазирлар.
Гулларга, дарахтларга
Тинчлик сўзин ёзарлар.


Гул бўлиб, дарахт бўлиб
Усиб боради Тинчлик.
Уруш — ўлимнинг йўли
Тўсиб боради Тинчлик.

Тинчлик — ака-уканинг
Иттифоқи демақдир.
Кўни-кўшни бир-бирин
Ташвишини емақдир.

Ота-она, дўст-ёрга
Илтифотда бўлмоқдир.
Ўзбек, қозоқ... Туркий-эл,
Иттифоқда бўлмоқдир.

Сеники, меники деб
Бўлсак бутун дунёни,
Бўлинади Еримиз,
Бўлиб бўлмас ҳавони!

Ахир ҳаво бўлмаса,
Айтинг, қандай яшаймиз?
Бизлар -дўстмиз,
Ошнаимиз,
Биз тинчликда яшаймиз!
Биз тинчликка ташнаимиз!



ФИДОЙИ ИНСОНЛАР ЯШАЙДИ БУНДА

Шаҳримиздаги зиёкор жангчилар ҳақида гап кетгудек бўлса, дарҳол уруш ва меҳнат фахрийси Салоҳиддин ота ва Лида ая Маҳмудовлар ёдга тушади. 1903 йилда қишлоқ қозиси оиласида таваллуд топган Салоҳиддин ота уша вақтдаги эски мактабда бошланғич таълимни олгач, шаҳардаги Нақиббек мадрасасида ўқишни давом эттирдилар ва

янги ташкил этилган Алишер Навоий номи мактабда ҳам таҳсил кўрдилар. 1924 йилда муаллимлик фаолиятини бошлаб, турли мактабларда директорлик қилган устозимиз 1940 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонига сазовор бўлганлар ва 1941 йили кўнгилчилар қатори Ватан ҳимоясига отланганлар. Ростов, Харьков, Киев шаҳар-

ларини, Руминия ҳамда Польша мамлакатларини босқинчилардан озод этишда иштирок этганлар.

Турмуш уртоғини жангга жунатган Лида Шестякова ҳам қараб турмадилар. Умр йўлдошидан илк мактубни олиб, улар ҳам фронтга жунадилар ва 1-Белоруссия frontiда мерган бўлиб хизмат қила бошлади...

Галабадан сўнг Лида ая ва Салоҳиддин ака узлари болаларга сабоқ берган мактабга хат ёзишиб, бир-бирларини топишди. 1946 йилда иккала зиёкор жангчи Бағдод туманидаги мактабга қайтдилар. 1947 йилнинг августида эса Каттақўрғонга келишди. Салоҳиддин ака тумандаги 34-мактабда директор, Лида ая эса рус тили ва адабиёти

фанидан ўқитувчи бўлиб ишлаш бошлашди.

Бизнинг жонажон Ўзбекистонимизда ана шунақа фидойи инсонлар яшайдилар. Биз уларга ҳамisha соғбулинг, узоқ умр кўринг, деймиз.

Каримжон СОАТОВ,
Каттақўрғон муаллимлар тайёрлаш билим юрти толиби.

«А» «Б» ДАН ГОЛИБ ЧИҚДИ

- Ия, анави келаётган ким?
- Танимадингми, бу ахир Хужа Насриддин булади.
- Сен уни қандай танидинг?
- Эшагидан албатта.

Саҳнага Насриддин Афанди кириб келганида, давра янада файзли бўлиб кетди.

Яқинда мактабимизда Бухоронинг 2500 йиллигига бағишлаб 10«А» ҳамда 10«Б» синф ўқувчилари уртасида беллашув бўлиб ўтди. Мусобақани 10«А» синф ўқувчилари бошлаб беришди. Улар Бухорода яшаб ижод этган Ибн Сино, Файзулла Хужаев, Фитрат каби улуг сиймолар ҳақида суз юритишди. Бухоро тарихига оид савол - жавоблар қилишди. Беллашув якунида ўқувчилар кичик саҳна асарларидан парчалар намойиш этишди. «А» жамоаси саволларга тулик ва аниқ жавоб бериб, «Б» лардан юқори балл тўплаб, голибликни қўлга киритишди.

Умиджон ХАЛИЛОВ,

Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги
29-мактабнинг 7-«Б» синф ўқувчиси.

ТЕМУР ВА УНИНГ АВЛОДЛАРИ

Мактабимиз шундоққина бобомиз Амир Темур қурдирган Оқ Сарой биноси яқинида жойлашган. Тарих дарсларини қўшинча мана шундай ёдгорликларда утамиз.

Сабаби, бизнинг 7«А» синфимизда тарих фани чуқур ўргатилади.

Яқинда Темур юбилейи кўнлари шаҳар миқёсида «Темур ва унинг авлодлари» мавзусида очик дарс ўтдик. Биз икки гуруҳга бўлиниб, савол - жавоб билан, узаро фикр алмашдик. Ва

Амир Темур ҳақида янада кўпроқ маълумотларни билиб олдик. Шу кўни устозимиз Ҳабибулла ака Муртазаев бошчилигида мактаб музейида қадимги санъат топиломаларидан ажойиб бурчак ташкил этдик.

Дилноза ЁРМАТОВА,

Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳар,
А. Бедел номли мактабнинг
7-«А» синф ўқувчиси.


БИЗНИНГ ПОЧТА



Сирғали туманидаги 284-мактабнинг 1«Е» синф ўқувчилари учун бугун унитилмас кун — «Алифбе» байрами. Гулдурас қарсақлар остида мактаб саҳнасига кириб келган ширинтой болажонларни барча ҳавас билан қарши олди. Қўлларида ранго-ранг гуллар. Бир олам ҳаяжондалиги угил қизларнинг юзла-

**Варрак дариллаб турди,
Кейин кўкка югурди.**

**Қўл-оёғи йўқ шамол,
Олиб уч,— деб дўқ урди...**



Р.Альбеков сурат лавҳаси

«АЛИФБЕ» ДАН «ЎҚИШ» КИТОБИГА

ридан сезилиб турибди. Кечага ўқувчиларнинг ота-оналари, ака-опалари ва бувижонлари ҳам меҳмон бўлиб келишган.

Уларнинг устози Феруза опа Эшбобоева кичкинтойларни «Алифбе» байрами билан кутлади. 3-синф ўқувчилари Даврон Каримов, Жасурбек Муҳаммаджоновлар буюк соҳибқирон Амур Темур, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий сиймосини жонлантириб, жажжи ўқувчиларни саводхонлик айёмлари билан табриклади. «Алифбе» даги ҳар бир ҳарф болажонлар тилида жонланди. Муқаддас Холмирзаева, Муниса Қосимова, Дилшод Тўйчиев, Хуршид Авазметов каби ўқувчилар кечанинг фаол иштирокчилари бўлишди. Шеърлар серзавқ куй ва рақсларга уланиб кетди. Феруза опа ўқувчилари билан биргаликда тайёрлаган саҳна куришиши намойиши барчани хушнуд этди. Кеча сўнгида бошланғич синфлар бўйича илмий бўлим мудири Ҳамроҳон Дадабоева «Алифбе» ни тамомлаб, «Ўқиш» китобини қўлга олаётган ширинтойларга омад тилади. Ота-оналардан Маҳфузахон Холмирзаева, Ҳафиза Қосимова, Мавлуда Холматова, Муҳаббат Эшмухаммедова, Мастона Авазметовалар фарзандларига таълим-тарбия бераётган устозлари Феруза опага уз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Нина Нерсесовна Мкрдумян раҳбарлик қилаётган бу мактабда бугунгидек қизиқарли тадбирлар, ажойиб кечалар тез-тез ўтказилиб турилади. Кеча сўнгида ўқувчилар «Ўқиш» китобини ҳам худди «Алифбе» сингари ардоқлашга, севиб ўқишга, асрашга суз бердилар. «Бури болаларини қандай ўргатади»

номли эртақ китобини тақдим этилиши, болалар қувончига қувонч қўшди.

Шухрат
Охунжонов.



Ишдан қайтган Мадамин ака ҳовли уртасида угиллари Мирзоҳид, Мирсаид, Азизбекларнинг нима биландир машғул бўлаётганликларини куриб, уларни бироз қузатиб турди-да, қи-

ҚАНОТЛИ ДЎСТЛАРИМИЗ

зиқиб, ёнларига келди.

— Ҳа, хорманглар, нима ҳаракат? — суради катта угли Мирзоҳиддан,

— Дадажон, бугун мактабимизда қўшларга ин ясаш бўйича синфлараро танлов эълон қилинди. Шунга укаларим билан ин ясаётгандик, — жавоб қайтарди Мирзоҳид қилаётган ишдан қузани узмай.

Угилларининг ғайрат билан ишлаётганликларидан завқланиб, Мадамин ака ҳам улар сафига қўшилди. Аввал юпқароқ тахтачалардан фойдаланиб, донхурақлар ясашди. Мирсаид эпчиллик билан донхурақни инчага маҳкамлади. Мана энди Мирзоҳид уз қули билан ясаган инчаси билан мактабда ўтказиладиган «Қўшлар бизнинг дўстимиз» куригида иштирок этади. Унинг асосий мақсади курикда албатта, голиб чиқиш эмас, муҳими, қўшларни авайлаб-асраш ишларига оз булсада нафи тегса кифоя. Яна, қўшларга озор берадиган тенгдошларига ибрат булурса бас.

Севара ТУРСУНОВА,
Андижон вилояти,

Балиқчи
туманидаги
Т. Юсупов
номли
5-мактаб
ўқувчиси.



Гапнинг рости— синфимизни бошқалардан ажралиб турадиган алоҳида бир томони ёки белгиси йуқ. 29 та ўқувчининг 7 нафари фақат аъло баҳоларда ўқийди. Яна уйламанг, қолганларнинг ҳаммаси яхши ўқимас эканда, деб. Йуқ, улар ҳам

ласи, хатти-харакати, хулқ-атвори бир-бирига ухшаш бўлмаса-да, бари менга қадрли. Мисол учун синф раҳбаримиз Нафиса опамлар туғри-сида айтсам, у киши ав-

Синфдошлар орасида

КАМЧИЛИКСИЗ ЭМАСМИЗ, АММО...

ёмон баҳо олишмайди. Лекин онда-сонда уч-туртлар ҳам қушилиб қолади-да.

Ушбу мактубни йул-лашдан мақсадим эса сизларга азиз муаллима опаларим, дугона ва дўстларим ҳақида ҳикоя қилиш. Уларнинг ҳар бирининг муома-

вало меҳрибон, ўз касбини жон дилидан севадиган, ўқувчи мактабга келиб бирор билим олиб кетиши учун ҳаракат қиладиган инсонлар. Билимдонликлари, меҳнатсеварликлари, орасталиклари билан бизларга урнат. Жисмоний тарбия ўқитувчи-

миз Дилором опам, рус тили ўқитувчимиз Шохиста опам, расм ўқитувчимиз Шаҳноза опам бизга билим беришда сира чарчамайдилар. Синфдошларим Шаҳноза, Хушноза, Зилола, Ирода, Комила, Санжар, Икром ўқишда, спортда катта ютуқларга эришиб келишяпти. Хуллас, менинг ва синфдошларимнинг мақсадимиз Ватанимиз қудратига қудрат қўша оладиган чин инсонлар бўлиб етишиш. Бу йулда бизга устозларимиз катта ёрдам беришяпти.

Нигора МАМАДАМИНОВА,
Тошкентдаги 113-мактабнинг 4-синф ўқувчиси.

КАСБ 5 ТАНЛАШДА АДАШМАНГ

Ҳозирги кунда қаерга борманг, нафақат катталар, балки тенгдошларингиз орасида ҳам «акция», «дивиденд», «бизнес», «менежмент» деган сузларни куп эшитасиз. Зукколигингизга қойил, гап нима ҳақида кетаётганини дарров пайқадингиз-а?

Яқинда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги «бизнес олами» маркази иқтисод бўлимида кичик ва урта ёшли бизнесменлар курсида «Билимлар мусобақаси» бўлиб ўтди. Беллашув мавзулари ёш бизнесменларнинг иш юритиш муомаласи, дивидендлар ва акциялар ҳақида бўлиб, улар ҳар бир ҳолатни саҳна кўринишида намойиш этдилар.

Манчестер Компани Лимитеди ва Тошкент Текстиль Корпорацияси номи билан атаган бу икки гуруҳ 24 ўқувчидан тузилиб, зукко ва топқирликда бир-бирдан қолишмасди. Ҳакамлар ҳайъати иш юритиш муомаласи бўйича тайёрланган тортишувни катта қизиқиш билан кузатиб бордилар. Баҳсли мунозара қизиқарли савол-жавоблар билан янада қизиди. Гуруҳ сардорлари Аҳад Абдулхамидов ва Абдулазиз Рашидовнинг ҳозиржавоблиги, ҳатто ҳеч ким кутмаган бизнес ишининг сирли қирралари ҳақидаги фикр мулоҳазалари барчани ҳайратга солди.

«Бизнес олами» иш юритиш муомаласи фани муаллими Юсуф Қушоқов, инглиз тили муаллимаси Ирина Валентиновна Бурдинова, ҳайъат аъзолари Яковлев Владимир Михайлович ва компьютерда иш бошқарувчи Мунира Умарова ёш бизнесменлар мусобақасини тенг баҳолаб, дўстлик галаба қозонганлигини қайд этишди.

Айниқса утюзларни қувонтирган нарса шу бўлдики, шоғирдлари Собир Санасев, Фурқат Қенжабоев, Элдор Шералиев, Шухрат Ҳидоятгов, Улғубек Йулдошовлар дивидендлар, акциялар, ҳақида сузлаб, уларни қандай тузилиши, қай ҳолларда ҳуқуқий қонуниятларга амал қилиниши, икки давлат вакилининг шартнома ёки битим имзолаш давридаги ҳолатларини образли қилиб ҳаққоний акс эттириб беришди. «Бизнес олами» ўқув марказида бундай дамлар, яъни менежмент (бошқарув илми) бўйича, психология (руҳият) илми, банк ишлари асослари, бозор иқтисодиёти ҳисобчилик, иш юритувчи, иш муомаласи, ишчанлик уйини ва топқирлик клублари мунтазам иш олиб боради, — дейди Юсуф Қушоқов.— Ёш бизнесменлар уртасида буладиган бундай кечалар уларга билимларини янада ошира боришларига катта ёрдам беради.

Давомли лекцияларда зерикиб қолмаслиги учун, қолаверса, келажакда бизнес оламининг янги-янги сирларини очишда, бирор янгилик кашф этишига оз бўлса-да, туртки булади деган ниятда турли уйинлар ташкил қилияпмиз, — дея фикр билдирди Мунира Умарова.

Баҳс узгача кайфиятда яқун топди. Ёш бизнесменлар келгусида Муस्ताқил Ўзбекистонимизнинг равнақи йулида, ривожланишида қулидан келган меҳнатини аямайдиган бошқарув илми соҳиблари бўлиб етишишларида, «Бизнес олами» ўқув маркази етакчи, йул бошловчи сифатида муҳим урин тутишини таъкидладилар.

Нилуфар ДАВИДОВА.



Катталар, эътибор беринг!

БИЗКУ, МАЙЛИ-Я...

**Болалар бор булса
Бағримиз бут доим,
Ёгилар ризку рўз,
Барака, қут доим!**

Қадрли «Тонг юлдузи»! Синфдошларим билан уйлай-уйлай, сенга мактуб ёзишга қарор қилдик. Чунки мактабимизда бир муаммо бор. Биз Собир Раҳимов номли жамоа ҳужалигида яшаймиз. Ҳужалигимизда туртта мактаб бор. Уларнинг учтасида замонавий типдаги, барча қулайликларга эга булган спорт зали бор. Қиш ойларида жисмоний тарбия дарсларини спорт залида ўтадиган ана шу мактаб ўқувчиларига жуда ҳавас қиламиз. Чунки бизнинг мактабимизда спорт зали йуқ. Қор-ёмғирли қиш кунларида жисмоний тарбия дарсларини диққинафаслик билан синф хоналарида ўтказамиз. Бизку, майли-я, ҳидемай мактабни тамомлаб кетамиз. Лекин ука ва сингилларимиз ҳам биз каби армон билан ўқишларини истамаймиз. Ахир спорт-саломатлик гарови, деб бежиз айтилмаган-ку! Спорт залимиз йуқ бўлса-да, мактабимиз ўқувчиларининг спорт билан шугулланишга иштиёқлари баланд. Туман миқёсидаги спорт беллашувида совринли уринларни эгаллашган. Бизлар учун ҳам етарлича шарт-шароитлар яратилса, ишонамизки, мактабдошларимиз вилоят, ҳатто республика миқёсидаги мусобақаларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб, мактабимиз шарафини оқлашади.

Бундан бир йилча муқаддам «Келажак тонги»дан келган ака-опаларимизга ҳам «дардимизни дoston» қилган эдик. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмади. Кута-кута тоқатимиз тоқ бўлди. Зора бирор узариш бўлса, деган илтифат сенга мактуб йуллашга аҳд қилдик. Бор умидимиз сендан.

Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги Муқимий номли 14-мактабнинг 10"Б"-синф ўқувчилари номидан мактуб йўлловчи Бахтигул ХУДОЙҚУЛОВА.



Ўзбек халқ эртақларига Нуриддин Дувланов чизган расм

САКИЧ

Бизнинг «Орбит» бешакар,
Харид қилсангиз агар,
Тоza булар тишингиз
Юришади ишингиз.

Кариедан сақлайди,
Пулнингизни оқлайди.
Лекин уни ҳар жойда
Чайнаш бермайди фойда.

Тартибдан айнасангиз,
Синфда чайнасангиз,
Қузғар устоз гаптини,
Ушлаб қолар бошини.

Одам тула кучада,
Ё автобус ичида
Чипиллатиб турсангиз,
Купик сочиб юрсангиз,

Оғзингиздан чиқса «шар»
Дустлар кулгу қилишар.
Ҳар бир ишнинг чеки бор,
Ҳаддан ошмангиз зинҳор!

КОКА-КОЛА

Кока-кола дерлар буни
биласизми?
Зиёфатда ичиб маза
қиласизми?

Келган юрти жуда олис

Шоирлар —
болаларга

Америка.
Ўзбекларга дустдир холис
Америка.

Ҳар бир импорт бизлар учун
гузал, сулув,
Гар билсангиз кока-кола
импортний сув.

Нозик қиздай буралади
бутилкаси.

Темир қалпоқ, аммо йўқдир
ботинкаси.

Кока-кола вишиллайди
гази яхши,

Ҳазми таом бўлса-да у
ози яхши.

Куп ичсангиз ичак-чавақ
дам булади,

Ошқозонда овқатга жой
кам булади.

Шунинг учун мукангиздан
кетманг асло.

Булса ҳамки лимонадлар
ичра аъло.

Кока-кола узоқ юртдан
келган меҳмон,

Бизлар учун улиб қолди
Дуст-қадрдон.

Наримон ОРИФЖОНОВ.

Фаёза учун ҳаммиса азиз ва лазиз бир ҳилқат
мавжуд. Бу унинг кекса ва навқирон шаҳри Кеши,
мустақил Ўзбекистони, она Ватанидир.

Ватан — Фаёзанинг бугун борлиги, орзу-армон-
лари, ютуғу камчиликлари, ҳасрату қувончлари
сигалган муқаддас жой. Фаёзанинг мурғаккина
қалбига эзгулик улашган, уни куйлатган нарса ҳам
ана шу Ватан туйғусидир. У ҳали жула ёш, Шаҳри-

ЯХШИСИНИ ОШИРИБ,
ЁМОНИНИ ЯШИРИБ...

сабз шаҳридаги А. Темур номли мактабнинг 8«Б»
синфида таълим оляпти. Купик куйлашни жуда
севади. Бир неча йилдирки, мактабларида тапшил
қилинган «Чаманзор» номли ашула ва рақс этногра-
фик дастасида қатнашиб, устози, Ўзбекистонда
хизмат курсатган маданият ходими Элмурод ака
Боймуродов раҳбарлигида кушиқларнинг ижрочи-
лик усулларини урганиб келяпти. Айни кунларда
мафтункор мақом йулида изланипти. Ўзбек клас-
сик кушиқлари, мақомлари ёш ижрочини бутун-
лай сеҳрлаб қуйди. «Муножот», «Самарқанд уш-
шоғи», «Чули ироқ», «Дугоҳ» каби бир қатор ўзбек
классик кушиқларини узига хос усулда, меъёрига
етказиб куйлаётир.

— Ўзбекистонимиз узининг битмас-туганмас
табиий бойликлари, оқ олгини, пилласи-ю тилла-
си, галласи-ю ширин-шакар мевалари, Амир Те-
мурдек соҳибқиронлари-ю узига хос қадриятлари
билан оламга машҳур, — дейди ёш санъаткор
Фаёза Турсунова. — Мен шундай юрт фарзанди
эканлигимдан фахрланаман. Ватанимнинг «яхши-
сини ошириб, ёмонини яшириб» куйлагим келади.

Абдували ОБИДДИНОВ,
Қашқадарё вилояти, Чирокчи тумани.



Суратда: Фаёза Турсунова она Ватан
ҳақида ёниб кўшиқ куйляпти.



(ҲИКОЯ)

мен ҳам буш келмай.

Шу пайт кўнғирок чалиниб,
укитувчимиз кириб келди-ю баҳси-
мизга чек қуйилди...

Дарслар тугаб, уйга қайтдим.
Кийимларимни алмаштириб,
ойимга бироз қарашган бўлдим.
Сунгра сабрим чидамай қайчини
олиб кўш мисоли гулзорга учдим.
Энг чиройли, хушбўй гуллардан
саралаб, қатта гулдаста ясадим. Жа-
вондан китобни олиб, ички бетига
чиройли, жимжимдор ҳарфлар
билан: «Моҳидил, туғилган кунинг
билан! Ботир» деб ёзиб қуйдим.
Сунгра кечикиб қолмай деб, синф-
дошларим билан тулланишадиган
жойга ошқидим. Ҳаммамиз бирга-
лашиб Моҳидилларни китига кириб
бордик. Кимдир қуйлак, кимдир
румол, яна кимдир сочик, яна ал-
ланималар совға қилишди. Нав-
бат менга келди:

— Гулдек очилиб, китобдай
нур таратиб юртин, — дедим
унинг нозик қўлчасини беозор си-

қиб қуришарканман.

— Раҳмат, ҳаракат қиламан, —
деди у менга майин жилмайиб.
Совғамни олиб бошқа хонага чи-
қиб кетди ва фурсат утмай гулни
чиройли гулдонга жойлаб дастур-
хоннинг уртасига қуйди. Узи эса
келиб меннинг ёнимга утирди. Шун-
да Учқун биз тарафга бошқача ни-
гоҳ билан кўз ташлаб қуйди.

Дастурхон турли ноз-неъматлар
билан безатилган. Уртада яшнаб
турган гул эса дастурхонга янада
файз қўшаётгандек эди назаримда.
Ярим соатга қолмай, дастурхонла-
ги нарсалар «яксон» этилди. Ҳам-
ма бирма-бир сўз олиб, Моҳидил-
ни кулалди. Шу чоққача қовоғи-
дан қор ёғилиб утирган Учқун қор-
нини силаганча дастурхонда тур-
ган гулнинг ёнига келди-да:

— Болалар, дастурхондаги ҳам-
ма нарсаларни еб бўлдик. Шу бир-
гина гул қолди, холос. Уни эса еб
бўлмайди, шундай экан унинг ҳам
бизга кераги йўқ, нима дейсизлар?
У шундай деб гулни олди-да, ги-
жимлаганча ахлат қутисига иргит-
ди. Ҳамма бир зум лол қолди. Сун-
гра «ялт» этиб Моҳидилга қарашди.
Унинг кўзлари жикка ёш эди. Қо-
ним «қайнаб» кетди. Урнимдан да-
ст турдим Учқуннинг ёнига бо-
риб, қорнига бир мулт туширдим,
тапир-тупур тепа кетдим. Болалар
ушлаб қолишмаганда борми?.. Қиз-
лар Учқунга нафрат билан қараб
туришарди. Кимдир юрак ютиб:
«Бор йўқ!» Орамизда сенга урин
йўқ!» деди. Учқун эшикни қарсил-
латиб чиқиб кетди. Мен эса гоҳ
Моҳидилга, гоҳ эзгиланган гуллар-
га қарардим. Назаримда Учқун Мо-
ҳидилга булган меҳримни топта-
гандек эди...


Зокиржон ШАРИФ,
Самарқанд вилояти.

Буш
вақтларда



ЎҚИНГ-ЧИ?

Азиз укўвчилар! Шаклдан
бош ҳарфни топиб, ҳар сафар
бир хил миқдордаги хоналарни
сақраб утиш билан ўқинг. Ма-
шқни турғи ҳал этсангиз, ўзбек
халқ мақолларидан бири аён
булади.

ТОПҚИРЛИК
МАШҚИ

Шаклдаги шохмот донаси
катақларига йилнинг энг кучли
шохмотчисига бериладиган хал-
қаро мукофот ва шу совринга
энг кўп бор сазовор булган жа-
ҳон чемпиони фамилиясини
кетма-кет жойлаштириш, ёзиш
билан машқни ҳал этиш.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютарида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0137,
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти
19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Ташкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.

• Телефон:
33-44-25

